

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА ЗАРИФА ОДИЛОВНА

ИНСОН МАЪНАВИЙ БОРЛИҒИГА СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантиқ

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Муминова Зарифа Одиловна Инсон маънавий борлиғига синергетик ёндашув	5
Муминова Зарифа Одиловна Синергетический подход к духовному бытию человека.....	19
Muminova Zarifa Odilovna Synergetic approach to spiritual being of the person	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА ЗАРИФА ОДИЛОВНА

ИНСОН МАЪНАВИЙ БОРЛИҒИГА СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ

09.00.01-Онтология, гносеология ва мантиқ

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Бахтиёр Оманович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шермухаммедова Нигина Арслановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Саломова Хакима Юсуповна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» __ соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Хакимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раис ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ш.С.Қушаков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгашқошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, демографик, экологик, ахлоқий барқарорлик ва беқарорликлар замирида инсон маънавий борлигининг ҳилма-хиллиги ётади. Бугунги кунда инсоннинг эҳтиёжларини бундай хилма-хиллиги бир томондан, маънавий соҳадаги флукутацияни билдирса, иккинчи томондан инсон маънавий борлигининг мураккаб тизим эканлигидан келиб чиқмоқда. Бундай шароитда инсон феноменига мураккаб система сифатида қараш, уни ўрганишда синергетиканинг ночизиклилик, ўз-ўзини ташкиллаштириш каби асосий тамойилларидан фойдаланиш, унинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш, инсон маънавий борлигини илмий-назарий таҳлил қилиш заруратини туғдиради.

Жаҳон илм фанида инсон маънавий борлиги муаммоларининг синергетик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳим илмий-назарий аҳамиятга эгадир. Ҳозирги пайтда инсон маънавий борлиги кадрсизланиши билан боғлиқ масалаларга бутун жаҳон олимлари ўз этиборини қарата бошлади. Бу муаммоларни ечишда инсон маънавий борлигини замонавий фан ютуқлари асосида фалсафий таҳлил қилиш ниҳоятда долзарбдир. Инсон маънавий борлигига синергетик ёндашув унинг моҳиятини англаш жараёнига тизимли ва ночизикли ёндашув имконини бериб, ундаги беқарорлик, бифуркацион ҳолатларни, инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмларини чуқурроқ англаш ва инсон маънавий борлигининг янги жиҳатларини янада кенгроқ очиб беришга имкон беради.

Мамлакатимизда инсон маънавий олами, унинг маънавий камолоти масаласи давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида кун тартибига кўйилган. Зеро, «оммавий маданият кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва миссионерлик каби бало қазолардан ёшларимизни асраш»¹, энг муҳим вазифадир. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар давлатимизнинг инсон омилига айнан синергетик таҳлилнинг таркибий қисми бўлган тизимли ёндашув асосида фаолият олиб бораётганлигини кўрсатади. Инсон қалбида маънавий қанчалик юксак бўлса, жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, лоқайдлик каби жамиятга хавф соладиган иллатлар шунчалик чекинади ва улар ўрнида ёшларимиз онгида ватанпарварлик, бунёдкорлик, туйғулари қарор топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилдаги 07/02-08-1-сонли «Маданий-маърифий ва тарғибот ишларини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси», «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонун 2016 йил 12 август, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160 сон қарорида кўрсатилган вазифаларни ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -89 бет.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс маънавий борлиғи, юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш масаласи фалсафанинг долзарб муаммоси сифатида фалсафий тадқиқотларнинг марказий муаммоси ҳисобланади. Хусусан, шарқ фалсафасида комил инсон, юксак маънавиятли шахс тарбиясига оид тадқиқотлар ниҳоятда салмоқлидир. Буюк аждодларимиз, уйғониш даврининг деярли барча мутафаккирлари инсон маънавий-ахлоқий етуқлиги масалалари билан шуғулланишган. Инсон муаммоси шарқда калом фалсафаси, тасаввуф ва ҳадисларда асосий муаммо сифатида кенг таҳлил қилинган. Темурийлар даврида бу анъаналар давом эттирилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон фани ва фалсафасида ҳам инсон маънавий олами масалалари ва синергетика умумилмий метод сифатида тадқиқ этилмоқда. Республикаимиз файласуфларидан М.Н.Абдуллаева, Д.Бозоров, З.Д.Давронов, Р.М.Имомалиева, Б.Р.Каримов, Б.У.Рахмонов, Т.Ортиқов, Б.О.Тураев, О.Ф.Файзуллаев, А.Чориев, С.А.Чориев, Н.А.Шермухаммедова, М.Х.Эргашева, З.Р.Қодирова, Ш.С.Кушаков каби олимлар синергетиканинг турли жиҳатларидан тадқиқот усули сифатида фойдаланишган. Хусусан М.Н.Абдуллаеванинг фикрича «Синергетик метод ҳозирги ўзгарувчан, беқарор даврнинг хусусиятларини акс эттиришга қаратилган».²

Синергетика методология ва мураккаб системаларни тадқиқ қилишнинг усули сифатида И.Пригожин ва Г.Хакенлар томонидан ишлаб чиқилди. Г.Николис И.Пригожин, И.Стенгерс, Г.Хакенлар синергетикани табиий фанлар доирасидаги тадқиқотларнинг энг самарали усули сифатида талқин қилган бўлса, МДХ худуди файласуфлари синергетиканинг ижтимоий структураларни шаклланиш, мавжудлик ва ҳаракатлантириш механизмларини тадқиқ қилишнинг асосий усули, синергетик парадигманинг ижтимоий муносабатларни таҳлил имкониятлари ва синергетиканинг имманент муаммолари билан шуғулланишган. Р.В.Баранцев, В.П.Бранский, В.В.Василькова, Е.Н.Князева, С.П.Курдюмов³, А.Руденко, Р.Б.Сабекия, Н.Урманцевлар ижтимоий системаларни тадқиқ қилишда синергетикадан фойдаланиш мумкинлигини асослаб беришди.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавжуд тадқиқот ишларида инсон маънавий борлиғи синергетик ёндашув асосида махсус тадқиқ

² Абдуллаева М.А. Миллий ғоянинг илмий фалсафий асослари. - Тошкент: 2011. - Б. 66.

³Князева Е.Н Курдюмов С.П Основание синергетики. Режимы с обострением, самоорганизация. – Санкт Питербург: 2002. - С. 109

этилмаган. Шу сабабдан ушбу тадқиқот ишида инсон маънавий борлиғини синергетик ёндашув асосида очиб беришга ҳаракат қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университетининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қарор топишининг фалсафий-маънавий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсон маънавий борлиғини мураккаб феномен сифатида синергетик таҳлил қилиш, инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириш имкониятларини такомиллаштириш механизмини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб социал вазиятлар инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмларидан фойдаланиш орқали ижодий руҳ ва салоҳиятини намоён қилиш ва ўзини янги, ривожланган босқичга олиб чиқиши учун туртки бўлиш хусусияти мантиқий-гносеологик жиҳатдан асослаб бериш;

эркинлик ва индивидуаллик меъёридан ошганида инсоннинг ўзлигидан, ўз моҳиятидан бегоналашиши ҳамда ўзининг ички моҳиятини инкор этишига олиб келишини очиб бериш;

оила микро муҳитидаги бифуркация ҳолати, яъни беқарор вазиятнинг фарзанд тарбиясига салбий таъсирини макромуҳит шароитида аттрактор тамойили асосида бартараф этиш мумкинлиги исботлаш;

инсон руҳий оламидаги хаос (тартибсизлик ва стресслар) шахсда наркомания ва алкоголизм сингари инсон жисмоний структурасини емирувчи иллатларни келтириб чиқариш сабаблари (синергетикадаги хаос ва тартибнинг бир-бирига ўтиши қондаси воситасида) асослаш.

Тадқиқотнинг объекти мураккаб биоижтимоий феномен бўлган инсон маънавий борлигидан иборат.

Тадқиқотнинг предметини инсон маънавий борлиғини, синергетиканинг асосий тушунча ва принциплари асосида ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда синергетика ва диалектика методологияларининг ўзаро алоқадорлиги тамойиллари, илмий билишнинг анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, индукция, дедукция методларидан унумли фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркинлик ва индивидуаллик меъёридан ошганида инсоннинг ўзлигидан, ўз моҳиятидан бегоналашиши ҳамда ўзининг ички моҳиятини инкор этишига олиб келиши очиб берилган;

оила макромуҳитидаги бифуркация ҳолати, яъни беқарор вазиятнинг фарзанд тарбиясига салбий таъсирини макромуҳит шароитида аттрактор тамойили асосида бартараф этиш мумкинлиги исботлаб берилган;

инсон руҳий оламидаги хаос (тартибсизлик ва стресслар) шахсда наркомания ва алкоголизм сингари инсон жисмоний структурасини емирувчи иллатларни келтириб чиқариш сабаблари (синергетикадаги хаос ва тартибнинг бир-бирига ўтиши қондаси воситасида) асослаб берилган;

мураккаб социал вазиятларда инсон маънавий борлиғи энтропийликка учрашининг олдини олишда ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмларидан фойдаланиш хусусияти мантиқий-гносеологик жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инсонга, хусусан, инсоннинг маънавий борлиғига янгича ёндашувни шакллантириш, ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг савиясини янада бойитишга хизмат қилган;

инсон маънавий борлиғини шакллантириш жараёнига тизимли ёндашишининг афзалликлари илмий назарий асослаб берилган хулосалардан мамлакатимизда инсон маънавий борлиғини шакллантиришга, комил инсонни тарбиялаш соҳасида методологик қўлланма сифатида фойдаланилган;

глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви ва информацион жамиятнинг шаклланиб бориши инсон маънавий борлиғига ташқи таъсирларнинг кучайиши инсон маънавий борлиғини шаклланишига таъсир этувчи институтларнинг узвий ҳамкорлигини таъминлашда мазкур диссертацияда илгари сурилган тавсиялардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган монография ва илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлари, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда инсон маънавий борлиғини тизимли ўрганиш, ушбу мураккаб системани ночизикли тафаккур ёрдамида чуқурроқ англаш, фалсафий таҳлилини амалга ошириш ва инсон маънавий оламини тадқиқ этувчи назарий фундаментал тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инсон маънавий оламига янгича ёндашувни шакллантириш орқали шахс маънавий тарбияси билан шуғулланувчи институтлар, оила, мактаб, маҳалла қабила билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларнинг фаолиятига амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсон маънавий борлиғига синергетик ёндашув асосида ишлаб чиқилган таклифларидан:

синергетикадаги хаос ва тартибнинг бир-бирига ўтиши қоидаси воситасида асослаб берилган инсон руҳий оламидаги хаос (тартибсизлик ва стресслар) шахсда наркомания ва алкоголизм сингари инсон жисмоний структурасини емирувчи иллатларни келтириб чиқариш сабаблари ҳақидаги тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги маънавийят ва маърифат бўлимининг 2017 йилга мўлжалланган йиллик иш режасини тайёрлашда фойдаланилган. Шунингдек, ушбу бўлимда IV.45 «Қизлар

орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, саломатлик масалалари ва балоғат даври ўзгаришлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш» ҳамда IV.51 «Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш», масалалари диссертацияда билдирилган таклифлар асосида иш режага киритилган ва 2017 йилнинг биринчи чорагида амалиётга жорий этилди. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 26 январдаги 8-7-8/120-сон маълумотномаси). Бу ўсмирларда ҳуқуқий маданиятнинг ошишига ва улар орасидаги жиноятлар сонининг камайишига ижобий таъсир кўрсатган;

оила микромуҳитидаги бифуркация ҳолати, яъни беқарор вазиятнинг фарзанд тарбиясига салбий таъсирини макромуҳит шароитида аттрактор тамойили асосида бартараф этиш мумкинлиги ҳақидаги хулосалардан Самарқанд вилоят хотин-қизлар кўмитаси фаолиятида фойдаланилган. (Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 03/1487-18 сон далолатномаси). Бу оила ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорликнинг кучайишига самарали хизмат қилган;

эркинлик ва индивидуаллик меъёридан ошганида инсоннинг ўзлигидан, ўз моҳиятидан бегоналашиши ҳамда ўзининг ички моҳиятини инкор этишига олиб келишига оид амалий таклифларидан Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгашининг 2018 йилга мўлжалланган йиллик иш режаси асосида ўтказилган ёшларнинг ўз-ўзини англаши – миллий ўзликни англашининг асоси, инсон моҳиятини инкор этувчи турли субмаданиятларга нисбатан оқилона нуқтаи назар ва муносабатни шакллантириш масалаларидаги тренинг ва чиқишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2018 йил 22 ноябрдаги 04-13/6076 сон далолатномаси). Бу ёшлар ва ўсмирлар орасида субмаданият элементлари ёйилишининг олдини олишга самарали таъсир ўтказган;

диссертацияда мантиқий-гносеологик жиҳатдан асослаб берилган, мураккаб социал вазиятларда инсон маънавий борлиги энтропийликка учрашининг олдини олишда ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмларидан фойдаланишнинг хусусиятларига оид илмий янгилигидан «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти» Самарқанд вилоят бўлинмаси «ННТ ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ривожланишини мониторинг қилиш» лойиҳаси доирасида амалиётга жорий этилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017 йил 21 январдаги маълумотномаси). Бу умидсизликка тушиб қолган аёлларга, беморларга руҳий, маънавий ва амалий ёрдам кўрсатиш сифатига ижобий таъсир кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 29та, жумладан, 6та халқаро ва 23та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола (12 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим ўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Инсон маънавий борлиғи ва унинг шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар**» деб номланган биринчи бобида инсон маънавий борлиғи мураккаб биоижтимоий, руҳий-маънавий система сифатида таҳлил қилинади. Инсон маънавий борлиғи бу – инсоннинг интеллектуал, руҳий, ахлоқий, ҳиссий-эмоционал, эстетик-бадий оламини ўзида умумлаштирган бир бутунликдир. Маънавий борлиқ инсоннинг эътиқоди ва имонини, ирода интилишини ва сабр-бардошини қамраб олади. Инсон маънавий олами мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У инсон хатти-ҳаракати, фаолияти ва руҳий ҳолатига катта таъсир ўтказди. Маънавий олам бу – инсоннинг субъектив оламидир. Субъективлик – инсоннинг танаси ва руҳий-маънавий борлиғи асосида ётувчи ички ибтидоидир. Маънавий олами бой бўлган киши - ўз-ўзини ва ташқи оламини ўрганиши, ўзлаштириши ва ўзгартириши мумкин бўлган субъектдир. У ўз хатти-ҳаракатини бошқариш, назорат қилиш, баҳолаш қобилиятига эга бўлади. Инсон маънавий борлиғи мавжудлиги ва намоён бўлиш шакллари ниҳоятда хилма-хилдир. Бу – эҳтиёжлар, қизиқишлар, дунёқараш, эътиқод, орзулар ва идеаллар, интеллектуал қобилият ва бошқалар. Бундан ташқари, ушбу бобда инсон маънавий борлиғининг атрибутив хоссалари, эркинлик, ижодкорлик ва тафаккурни синергетик нуктаи назардан таҳлил қиламиз. «Атрибут – субстанциянинг ўзгармас, ажралмас ва абадий хоссасидир. Ўз атрибутидан ташқарида субстанция мавжуд бўла олмайди»⁴. Инсон маънавий борлиғи ҳам мураккаб, кўп қиррали ҳодиса сифатида ўз атрибутив хоссаларига эга. Бу хоссалар инсон маънавий борлиғини ташкил этувчи, унга мавжудлик ва мазмун бахш этувчи жиҳатлар ҳисобланади. Бу жиҳатлар, инсон маънавий борлиғининг тизимлигини ва бир бутунлигини таъминлайди. Ушбу бобда инсон маънавий борлиғини шакллантирувчи объектив ва субъектив

⁴Новейший философский словарь. Минск, 1999. С. 18

омилларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтамиз. Биз инсон маънавий борлигининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни объектив ва субъектив омилларга ажратган ҳолда кўриб чиқамиз. Бунда, объектив омиллар сифатида, оила, таълим тарбия тизими, маҳалла, минталлитет, бадий адабиёт, ижтимоий муҳит кабиларни инсон маънавий борлигини шакллантиришдаги ролини кўриб чиқамиз. Субъектив омиллар сифатида эса, иймон, эътиқод, қадриятлар мезони, дунёқараш, манфаат, эҳтиёж кабиларни инсоннинг ички олами, маънавий дунёсини шакллантиришга таъсирини кўриб чиқамиз. Бундан ташқари, тафаккурнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмининг асоси сифатида синергетик таҳлил қиламиз. Тафаккур воситасида инсон борлиқни ўзлаштиради, ўзгартиради. Тафаккур воситасида инсон борлиққа фаол таъсир ўтказди, борлиқнинг актив бўлагига айланади. Инсон тафаккур соҳиби экан, у борлиқ эволюциясининг бир элементи сифатидан, эволюциянинг ҳаракатлантирувчиси сифатига кўтарилади, яъни инсон тафаккурининг синергетик хоссаларидан бири шундаки, тафаккур инсонга ўз хатти -ҳаракатини кузатиш, назорат қилиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини рефлексив таҳлил қилиш, ўз-ўзини ташкиллаштириш имкониятини беради. Тафаккур инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришининг асоси ҳисобланади. Инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини бошқариши, ўз-ўзини назорат қилиши, ўз-ўзини ташкиллаштириши, инсоннинг онгли фаолияти асосида кечади.

Диссертациянинг биринчи боби юзасидан қуйидаги хулосаларни беришимиз мумкин:

биринчидан, инсон тузилмалар орасида энг мураккаби бўлиб, биологик, руҳий-маънавий, ижтимоий жиҳатларнинг бир бутунлигидан ташкил топган;

иккинчидан, инсон маънавий борлигининг шаклланиши мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, унга бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир ўтказди. Инсон маънавий борлигини шакллантирувчи субъектив омилларга, ахлоқ, эътиқод, тафаккур, қадриятлар тизими ва бошқалар.

учинчидан, инсон маънавий борлиғи бир қатор атрибутив хоссаларга эга. Тафаккур, эркинлик, ижодкорлик, инсон маънавий борлигининг ажралмас хоссалари бўлиб, улар инсон ҳаёти ва фаолиятига турлича таъсир кўрсатади. Инсон ижодкорлиги, эркинлиги инсониятга фақат ижобий натижа эмас, салбий оқибатлар ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ушбу натижа инсоннинг ҳаётий принциплари, қадрият мўлжалларига боғлиқдир.

«Инсон маънавий борлигининг синергетик моҳияти» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида инсон маънавий борлигини мураккаб системаларни таҳлил қилишнинг энг самарали методи – синергетик метод орқали таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Синергетиканинг асосчиларидан бири бўлган Герман Хакен, синергетика ўрганадиган мураккаб системаларга қуйидаги жиҳатлар хос деб таъкидлайди: «1. Ушбу тизимлар бир нечта ўзаро алоқадорликдаги қисмлардан иборат; 2. Тизимда тузилмалар хаотик ёки тартибланишган бўлиши мумкин; 3. Бу тизимлар ички ва ташқи таъсирларга эга; 4. Тизимларда барқарорлик ёки беқарорлик ҳолатлари бўлиши мумкин; 5. Тизимда сифатий ўзгаришлар содир бўлади, бу ўзгаришларни ички ва

ташқи таъсирлар келтириб чиқаради; 6. Бу тизимлар ночизиклидир».⁵ Хакен кўрсатиб ўтган ушбу жиҳатларнинг барчаси мураккаб тизим бўлмиш инсонга ҳам хос деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда ижтимоий муносабатларга, ушбу муносабатларнинг ҳаракатлантирувчиси бўлган инсонга муносабат ўзгариб бормоқда. Инсон муаммосига янгича ёндашувни шакллантираётган йўналишлардан бири, ҳеч шубҳасиз синергетикадир. «Синергетика ўз-ўзини ташкиллаштириш ва мураккаблик ҳақидаги умумий назария сифатида инсонга нисбатан янгича муносабатни шакллантиради ва янги дунёқараш йўналиши ролини ўйнайди»⁶. Инсоннинг ўз-ўзини бошқариши, жамиятнинг ўз-ўзини бошқаришининг асосини ташкил этади. Ушбу бобда инсоннинг ўз-ўзини бошқариши билан бир қаторда, тизим сифатида ўз-ўзини емириши, ўз-ўзини инқирозга етаклаши ҳам мумкинлигини илмий асослашга ҳаракат қиламиз. О. А. Андреевнинг таъкидлашича, «Инсон система ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлигидан ташкил топган, унга ночизиклик, очиклик, ички ва ташқи тебранишлар, бақарорлик ҳолатидан беқарорликка ва аксинча беқарорликдан барқарорликка ўтиш, доимий сифат ўзгаришлар каби сифатлар хосдир»⁷. Е.Н. Князева Мыслить синергетически - значить мыслить диалектически, деб номланган асарига, «Беқарорлик, барқарорлик ва динамик ривожланишнинг шарти бўлиши ҳам мумкин. Номувозанатли, беқарор ҳолатдаги системаларгина спонтан тарзда ўз-ўзини ташкиллаштириш ва ривожлантиришга қодир бўладилар. Барқарорлик ва мувозанат ҳолати эволюциянинг сўнгги нуқтасидир, чунки система барқарорлик ҳолатига эришганидан сўнг унда мувозанат ва турғунлик ҳолати бошланади. Турғунлик эса системанинг ривожланиш ва тараққиётдан тўхтаб қолишига ва ички емирилишнинг бошланишига олиб келади»⁸. Инсон маънавий борлиғи ҳам мураккаб системаларга хос бўлган анашундай ночизикли динамик ҳаракатни бошдан кечиради. Тизимдаги ночизиклилик механизмини бифуркация жараёни таъминлаб беради. Барқарор ёки беқарор ҳолатнинг сўнгги нуқтаси бифуркация жараёни ҳисобланади. Бифуркация инглизча сўз бўлиб, «санчки» деган маънони билдиради. Бифуркация ҳолатида системанинг кейинги тараққиёти санчки кўринишидаги тараққиёт диаграммаси кўринишида бўлади, яъни система олдида бир неча йўллар пайдо бўлади. В. Василькованинг фикрича, ушбу вазият саёҳатчининг йўлида пайдо бўлган учта йўл кесишмасини эслатади ва бунда учта йўлдан бирини танлашга тўғри келади⁹. Бифуркация нуқтасида система кейинги тараққиёти учун вариантлардан бирини танлашига тўғри келади ва анашу нуқтада системада сифатий ўзгаришлар рўй беради. Анашу сифатий ўзгаришларнинг манфий ёки мусбат бўлиши системанинг кейинги тараққиётини белгилаб

⁵Хакен Г. Синергетика. Наука, М.: 1986. С. 67.

⁶ Абдуллаева М.Н. Синергетика – новые возможности познания и действия.// Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари: илмий-назарий семинар: (илмий мақолалар тўплами). Наманган, 2009. Б. 26

⁷Стабильность-нестабильность-вконтексте социокультурного развития. Ростов на Дону.: 2002. С. 46.

⁸Князева Е.Н. Мыслить синергетически - значить мыслить диалектически. // Актуальные вопросы диалектики. М.: 2000. С. 113.

⁹Василкова В. Синергетика и теория социальной самоорганизации. С.-Питербург, 1999. С. 269.

беради. Бундан ташқари системанинг бифуркацияга учрашига қадар бўлган ҳолати, бифуркацияга қай йўл билан тушганлиги ҳам системанинг кейинги тараққиётига таъсир ўтказди. Бундан ташқари ушбу бобда инсон маънавий борлигининг ночизиклилик жиҳатларини фалсафий таҳлил қиламиз. Чизиклилик ва ночизиклилик ижтимоий жараёнлар динамикасининг, ҳаракатининг характеристикаси ҳисобланади. Инсонни синергетик нуқтаи назардан таҳлил қилар эканмиз, ундаги ночизиклилик жиҳатларини алоҳида кўриб чиқишимиз лозим деб ўйлаймиз, чунки ночизиклилик, мураккаб очик системаларнинг ажралмас хоссаси ҳисобланади. Инсоннинг мураккаб ички оламининг бетакрор бўлиб шаклланишида, ўзига хослиги ва такрорланмаслигида ночизиклиликнинг ўрни катта деб ҳисоблаймиз ва ушбу илмий ишимизда ўз фикримизни илмий асослаб беришга ҳаракат қиламиз. Чизиклилик – бир томонлама ҳаракатланиш, бир йўналишга эга бўлишни англатади. Олдиндан белгиланган йўналиш бўйлаб ҳаракатланиш, муқобил вариантларга йўл қўйилмаган ҳолда ҳаракатни амалга ошириш, чизиклилик ҳисобланади. Чизикли ҳаракатнинг асосида ягона ибтидо, субстанция, ягона реаллик туради. Умуман олганда, ноклассик фанга қадар фанда чизикли тафаккур тарзи устиворлик қилган. Ноклассик ва постноклассик фанда унинг ўрнини ночизиклилик эгаллади. Хўш, ночизиклилик ўзи нима? Ночизиклилик атамаси дастлаб математикада қўлланилган бўлиб, математикадаги номувозанатли математик тенгламалар билан ишлашда фойдаланилган. Бундай тенгламалар ноаниқ миқдор ва қўламга эга бўлган, масалан, самовий жисмлар механикаси, радиотўлқинлар ҳаракатида қўлланилган. Ночизиклилик – ижтимоий муносабатларнинг кўп вариантларда ривожланиш имкониятини эътироф этишдир. Бунда ижтимоий объект полиморфик характер касб этади: универсал, ягона система мавжуд бўлиши инкор этилади. Ҳар қандай ҳодиса, жараён ва ҳолатда нисбийлик борлиги эътироф этилади. Фаолият ва ҳаракат давомида системанинг ҳолати, мақсади ўсиб, ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради. Система ва уни ўраб турган муҳит ўртасида қатъий чегаралар қўйилмайди. Тасодифларга, имкониятларга йўл қўйилади. Бошқача қилиб айтганда, ночизиклилик бу – кўпвариантликдир. Ночизиклилик – синергетиканинг марказий муаммоларидан биридир, чунки синергетика, ночизикли мураккаб системалар билан иш кўради ва борлиқнинг ўз-ўзини эркин ишлаб чиқариш ва ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнининг маҳсули деб таъкидлайди. Ночизиклилик тизимда бир вақтнинг ўзида бир нечта имконий вариантларнинг яширин ҳолатда, имконий борлиқ ҳолатида мавжуд бўлишини ҳам тақозо этади, яъни тизим бир ҳолатда бўлган пайтда, шароит ўзгариши ва ундаги яширин ҳолатларнинг юзага чиқиши учун қулай имконият туғилган вақтда янги ҳолатлар намоён бўлиши мумкин. «Синергетиканинг марказий муаммо-ларидан бири – ночизиклилик бўлиб, ночизиклилик ҳамма жойда мавжуд, ҳамма ерга сингувчи, кўп кўринишли ва чексиз хилма-хилликни англатади».¹⁰

¹⁰ Бозоров Д. Синергетик парадигма. Т.: Тафаккур, 2010. Б 53.

Инсонга синергетик ёндашув, инсоннинг табиий жиҳатларини ва ижтимоий – маънавий, рухий жиҳатларини ўрганувчи фанларнинг ҳамкорликда бераётган хулосаларига таянади. Ўз-ўзини ташкиллаштириш тушунчаси ҳам шу жумладандир. Синергетика ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг қонуниятларини ва механизмларини ўрганар экан, хаосдан тартиботга ўтишни ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг асосини ташкил этишига урғу беради.

Диссертациянинг иккинчи боби бўйича қуйидаги хулосалар ёритилган:

биринчидан, барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси инсон маънавий оламининг гармониясини ва динамик ривожини таъминлайди, улар ўртасидаги алоқадорлик инсоннинг маънавий юксалиши учун ички ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажаради;

иккинчидан, ночизиклилик, инсон маънавий борлигининг ўз-ўзини ривожлантириши, ўз-ўзини ўзгартириши ва ўз-ўзини ташкиллаштириши жараёнининг маҳсули деб ҳисоблаймиз, чунки инсоннинг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлари индивидуал кечади. Инсон маънавий борлигининг ночизикли шаклланиши ва ривожланишининг асосида инсон эркинлиги ётади. Инсон эркин мавжудлик экан, у ҳар доим танлаш имкониятига эга бўлади. Ушбу танлов унинг исталган ҳаётий вазиятда турли вариантлардан бирини танлаши, яъни ночизикли ҳаракат динамикасига эга бўлиши билан ифодаланади. Демак, инсон ушбу танловида масъулият билан иш кўриши, унинг ўз-ўзига, жамиятга, табиатга оқилона муносабатини келтириб чиқаради;

учинчидан, инсон маънавий борлиғида ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида тартибсизликдан тартибот келиб чиқади. Инсон билмасликдан билиш томон, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини такомиллаштириш томон боради.

Бугунги кунда инсон, нафақат ўз-ўзини ташкиллаштирувчи, балки ўз-ўзини емирувчи мавжудлик сифатида ҳам ўзини намоён этмоқда. Инсон цивилизациянинг шундай босқичига етиб келдики, у ўз моҳиятига қарши чиқа бошлади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Информацион жамият шаклланиши жараёнида инсон маънавий борлигининг синергетик моҳияти (Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида)**», деб номланган. Фалсафа ҳар бир тарихий даврда жамиятда кучайиб бораётган ҳолатлар, жамиятни ҳаракатлантирувчи омилларнинг инсон ҳаётига, тақдири, келажагига, инсоннинг бир бутун мавжудлик тизимига ва моҳиятига қай даража таъсир ўтказишини ўрганади. Фалсафанинг ушбу вазифасидан келиб чиққан ҳолда, биз ушбу параграфимизда информацион жамиятнинг ўзига эмас, унинг инсон маънавий борлиғига қандай таъсир ўтказишини синергетик нуқтаи назардан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз, чунки ушбу муаммони ўрганиб, унинг фалсафий жиҳатларини, инсон мавжудлик моҳиятига таъсирини ўрганаётган кўпгина тадқиқотчилар, хусусан М. Кастелс, Э. Тоффлер, М. Волькенштейн, А. Кузнецова, Л. Пронина кабилар ушбу муаммо мураккаб, кўп қиррали, кўп жиҳатли, бир-бири билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни ва

вазифаларни келтириб чиқараётган, тизимли ёндашувни ва тизимли ечимни талаб этадиган масала эканлигини таъкидлашмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мураккаб, тизимли ёндашув методи ҳисобланган синергетик метод асосида ушбу муаммони таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. «Синергетик метод ҳозирги ўзгарувчан, беқарор даврнинг хусусиятларини акс эттиришга қаратилган».¹¹ Ҳаммамизга яхши маълумки, ҳар қандай давлат, жамият ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида инсон омили, хусусан, шу давлатда яшаётган инсонларнинг дунёқараши, тафаккури, илмий салоҳияти, ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий маданияти, кадриятлари мезони, ҳаётий принциплари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу бобда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон, унинг моҳияти, маънавий дунёсини шакллантириш ва қайта тарбиялаш масалаларига янгича ёндашув шаклланишининг фалсафий жиҳатларини замонавий фан ва фалсафанинг асосий парадигмаси, синергетик парадигма асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Зеро, «Инсон қалбида маънавият қанчалик юксак бўлса, жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, лоқайдлик каби жамиятга хавф соладиган иллатлар шунчалик чекинади ва улар ўрнида ёшларимиз онгида ватанпарварлик, бунёдкорлик, туйғулари қарор топади».¹² Бундан ташқари ушбу бобда, жамиятни эркинлаштириш жараёнининг онтологик моҳиятини синергетик таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. «Борлик, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсондан ташқарида, унга алоқаси бўлмаган тарзда содир бўлиши мумкин эмас, чунки инсон борлиқнинг ичидадир ва ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг юқори шакллари ўзида намоён этади»¹³. Инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши учун эса, у биринчи навбатда эркинликка эга бўлиши, эркин жамиятда, кадр-қиммати кадрият даражасида баҳоланадиган жамиятда яшаши лозим. Шундагина инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши, ўз-ўзини бошқариши, жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириши, ўз-ўзини бошқариши даражасига кўтарилади.

Диссертациянинг учинчи боби юзасидан қуйидаги хулосалар баён этилган:

биринчидан, инсоният глобаллашган дунёда яшамоқда. Балки биз юқорида санаб ўтган ахлоқий, маънавий инқирозлар биздан географик жиҳатдан узокда содир бўлаётган бўлиши мумкин, лекин информацион жамият, оммавий маданият дунёда бирон бир миллат ташқи таъсирлардан тўлиқ ҳимояланмаганлигини кўрсатиб бермоқда;

иккинчидан, информацион жамият мазмунига кўра очик жамиятдир, демак ушбу жамиятда, жамиятнинг маънавий муҳитига, шу жумладан инсон маънавий борлиғига ташқи таъсирлар ошиб боради. Информацион жамиятнинг инсон маънавий борлиғига, мавжудлик моҳиятига, ҳаёт тизимига таъсирининг ижтимоий, ахлоқий, руҳий ва аксиологик жиҳатлари мавжудки, уларни ўз вақтида англамаслик, тўғри баҳолай олмаслик, зарур профилактик чора - тадбирлар тизимини ишлаб чиқмаслик, жамият маънавий

¹¹ Абдуллаева М.А. Миллий гоёнинг илмий фалсафий асослари. Т.: 2011. Б. 66.

¹² Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Фафур Фулом, 2013. Б. 174.

¹³ Пригожин И. Философия нестабильности // Вопросы философии. 1991. № 6. С. 46-57.

тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айнан тизимли ёндашув ушбу муаммонинг энг тўғри ечими деб ҳисоблаймиз, чунки ушбу муаммонинг ўзи ҳам бир неча жиҳатларни ўзида қамраб олган тизимли муаммодир.

учинчидан, информация шахс ва жамиятнинг ривожланиши, беқарорликдан барқарорликка ва аксинча, барқарорликдан беқарорликка ўтишини, инсон ички маънавий дунёсида тартибсизликдан тартиботга, масалан, билимсизликдан илму маърифат сари, шу билан бирга, тартиботдан хаосга томон ўтишини, масалан, бузғинчи, вайронкор ғоялар таъсирига тушиб қолиши эҳтимолини келтириб чиқаради.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг энг асосийси, инсон маънавий оламини ислох қилишга қаратилди десак, хато бўлмайди. «Ислохот – аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир»¹⁴, чунки барча соҳалардаги ислохотларнинг самарадорлиги, инсон онгидаги ислохотлардан келиб чиқади. Ана шундай муҳим жиҳатларни инобатга олган ҳолда олиб борган илмий тадқиқот ишимизда қуйидаги хулосаларни илгари сурдик:

1. Инсон тузилмалар орасида энг мураккаби бўлиб, биологик, рухий-маънавий, ижтимоий жиҳатларнинг бир бутунлигидан ташкил топган;

2. Инсон маънавий борлигининг шаклланиши мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, унга бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир ўтказади. Инсон маънавий борлигини шакллантирувчи субъектив омиллар: ахлоқ, эътиқод, тафаккур, қадриятлар тизими ва бошқалардир;

3. Инсон маънавий борлиги бир қатор атрибутив хоссаларга эга. Тафаккур, эркинлик, ижодкорлик, инсон маънавий борлигининг ажралмас хоссалари бўлиб, улар инсон ҳаёти ва фаолиятига турлича таъсир кўрсатади. Инсон ижодкорлиги, эркинлиги инсониятга фақат ижобий натижа эмас, салбий оқибатлар ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ушбу натижа инсоннинг ҳаётий принциплари, қадрият мўлжалларига боғлиқдир;

4. Тафаккур инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришининг асосидир. Инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини бошқариши, ўз-ўзини назорат қилиши, ўз-ўзини ташкиллаштириши, инсоннинг онгли фаолияти асосида кечади;

5. Инсон тафаккури бугун ва келажакни бир-бири билан боғловчи ҳодисадир, чунки инсон бугунги кунга қараб келажакни тасаввур эта олади, бугун борликда мавжуд ҳолатлар, белгилар асосида келажакни башорат қилади. Бунинг натижасида инсонда ўз-ўзини ҳимоялаш имконияти пайдо бўлади;

6. Инсон мураккаб ва очиқ система экан, очиқ ва мураккаб системаларга хос бўлган барқарорлик ва беқарорлик ҳолатлари инсонга ҳам хосдир. Беқарорлик ҳолатида жамиятда ва инсон маънавий борлигида етилиб келган муаммолар кўзга ташлана бошлайди. Лекин ушбу ҳолатга одатий ҳол,

¹⁴ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.: Ўзбекистон, 1997. Б. 192.

тараққиётнинг нормал ҳаракати сифатида қараш, синергетиканинг эътирофи ҳисобланади. Барқарорлик ва беқарорлик доимий равишда диалектик алоқадорликда мавжуд бўлади. Тизим абадий барқарорликда ёки абадий беқарорлик ҳолатида ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки барқарорлик ва беқарорлик элементларининг ўзаро алоқадорлиги, тараққиётнинг ички манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Уларнинг алоқадорлигисиз тизимда хаос юз беради;

7. Инсон маънавий борлигининг яна бир синергетик жиҳати унда ночизиклилик принципининг амал қилишидир, чунки мураккаб ва очиқ системаларнинг шаклланиши, мавжудлиги ва ривожланиши, ночизиклилик асосида кечади. Ночизиклилик мураккаб очиқ системаларнинг ажралмас хоссаси ҳисобланади. Инсон мураккаб ички оламининг бетакрор бўлиб шаклланишида, ўзига хослиги ва бетакрорлигида ночизиклиликнинг ўрни катта деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир инсон ўзига хос такрорланмас ички оламга, маънавий борлиққа эга ва ушбу ҳолат тизим сифатида шаклланувчи инсон маънавий борлигининг бетакрор, ночизикли шаклланганлигидан далолат беради;

8. Ўз-ўзини ташкиллаштириш – мураккаб системалардаги ўз ички структурасини спонтан тартиблаштириш қобилятидир. Ўз-ўзини ташкиллаштириш, тизимнинг ташқи таъсирларсиз, ўз ички ҳаракатлантирувчи кучи орқали тизимда тартибот, мувозанат ҳолатининг шаклланишидир. Ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимда ўзаро алоқада бўлган бир қанча элементларнинг мавжуд бўлиши шарти билангина амал қилиши мумкин. Хусусан, инсон маънавий борлигида ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмининг юзага келиши, тафаккур ва эркинлик орқали амалга ошади;

9. Бугунги кунда инсон, нафақат ўз-ўзини ташкиллаштирувчи, балки ўз-ўзини емирувчи мавжудлик сифатида ҳам ўзини намоён этмоқда. Инсон, цивилизациянинг шунай босқичига етиб келдики, у ўз моҳиятига қарши чиқа бошлади. Бунга мисол сифатида инсоннинг ўз жинсини ўзгартириши, гомосексуализм, ижтимоийлашувни инкор этувчи субмаданиятлар, готлар, эмолар, сатанистлар каби инсон маънавий борлигининг бузилган ҳолатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Инсон эркинлигининг нотўғри қабул қилиниши, инсоннинг ўз қадриятлари тизимини жамият қадриятлар тизимидан устун қўйиши, жамиятнинг ахлоқий, маданий тизимига путур етказаётганлигини кузатишимиз мумкин;

10. Информацион жамият мазмунига кўра очиқ жамиятдир, демак ушбу жамиятда, жамиятнинг маънавий муҳитига, шу жумладан инсон маънавий борлигига ташқи таъсирлар ошиб боради. Информацион жамиятнинг инсон маънавий борлигига, мавжудлик моҳиятига, ҳаёт тизимига таъсирининг ижтимоий, ахлоқий, руҳий ва аксиологик жиҳатлари мавжудки, уларни ўз вақтида англамаслик, тўғри баҳолай олмаслик, зарур профилактик чора - тадбирлар тизимини ишлаб чиқмаслик, жамият маънавий тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айнан тизимли ёндашув ушбу муаммонинг энг тўғри ечими деб ҳисоблаймиз, чунки ушбу муаммонинг ўзи ҳам бир неча жиҳатларни ўзида қамраб олган тизимли муаммодир.

11. Информацион жамият информация оқимининг ниҳоятда тезлиги билан характерланади. Ушбу ҳолат эса кишилар олдида ҳаққоний информацияни сохта, вайронкор, маълум бир сиёсий, мафкуравий мақсадларга хизмат қилувчи информациядан фарқлаш, ажратиб олиш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Информацион жамият кишиларнинг дунё халқлари билан интеграциялашувини жадаллаштириб, оммавий маданиятни кучайишига, миллийлик чегараларининг бузилишига олиб келади.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ – DSc.27.06.2017.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МУМИНОВА ЗАРИФА ОДИЛОВНА

**СИНЕРГЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ДУХОВНОМУ БЫТИЮ
ЧЕЛОВЕКА**

**09.00.01 –Онтология, гносеология, логика
АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Fal69

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский) на веб-странице samdu.uz, по адресу www.ziynet.uz информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель:

Тураев Бахтиёр Оманович,
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шермухаммедова Нигина Арслановна
доктор философских наук, профессор
Саломова Хакима Юсуповна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:
университет

Ташкентский государственный технический

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании ученого совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет Исторический факультет, 1-этаж, конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №__). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол реестра № __ от «___» _____ 2018 года).

Н.Хакимов

Заместитель председателя научного совета по присуждению
ученых степеней, д.филос.н., профессор

А.Самадов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.филос.н.доц.

Ш.С.Кушаков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.филос.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире основным фактором, порождающим кризисные явления в социально-экономическом, политическом, демографическом, экологическом, нравственном и духовном сферах, усиливающим нестабильность является человеческий фактор. Человек и его духовное бытие считаются движущей силой всего бытия и существования. В эволюции бытия человек превращается во все более сильную и активную, влиятельную силу. Раз человек является самой влиятельной силой бытия, то основным путем нахождения решений проблем, угрожающих будущему человечества, является более лучшее понимание человека, разработка эффективных методов изучения духовного мира, составляющего сущность человека. Разработка методов системного подхода к человеку как к сложной системе, использование таких основных принципов синергетики как нелинейность, системный анализ позволяют более глубоко понять сущность человека, открывать новые грани духовного бытия человека.

Сегодня во всем мире усиливаются кризисы, угрожающие будущему человечества, происходит постепенное крушение семьи, широкие распространение получают однополые браки, такие субкультуры, как готы, эмо и сатанисты, суицид, обостряются другие социальные, демографические, экологические проблемы, и все это связано с духовным бытием человека. До настоящего времени в науке главенствовал традиционный линейный подход, а его возможности в раскрытии сущности человека ограничены, так как при таком подходе приоритетным является однобокий подход и однолинейный анализ духовного бытия человека. А синергетический подход, применяемый в настоящем исследовании к духовному миру человека, дает возможность осуществлять линейный и нелинейный анализ в процессе познания сущности человека, тем самым глубже осознать сущность стабильности и нестабильности, бифуркационных состояний, механизмов самоорганизации человека, раскрыть еще не осознанные новые аспекты духовного бытия человека.

С первых лет Независимости в нашей стране на повестку дня как приоритетное направление государственной политики был поставлен вопрос о духовном мире человека, о его духовном совершенствовании. “Завтрашний день, благополучие планеты, зависят от того, какими людьми вырастут наши дети. Наша ключевая задача – обеспечить условия для самореализации молодёжи, создать заслон на пути распространения «вируса» идеологии насилия. В этой связи важнейшей задачей является борьба за умы людей, в первую очередь молодёжи.”¹⁵ С целью выполнения этих задач реализуются реформы в системе образования и подготовки кадров (1997, 2016, 2017 гг.),

¹⁵Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на 72-сессии Генеральной Ассамблеи ООН 19 сентября 2017 года. – «Народное слово», 20 сентября 2017 г.

меры по укреплению семьи (1998 год – “Год семьи”, 2001 год – “Год матери и ребенка”, 2008 год – “Год молодежи”, 2010 год – “Год здорового поколения”), преобразования в такой неотъемлемой части духовности человека как религия и убеждение (1991, 1999, 2017 гг.), меры по поиску путей к сердцу человека и изучение его проблем в свете объявления интересов человека высшей ценностью (2017 – «Год диалога с народом и интересов человека»), разработка государственных программ – все это показывает, что наше государство ведет свою деятельность на основе именно системного подхода к этой сфере. Главное требование сегодняшнего дня – формирование критического анализа личности по отношению прежде всего к самому себе, гармонизация своих личных интересов с интересами общества; и на основе этого лежит неразрывное единство духовных и синергетических аспектов, таких как самоконтроль, самоуправление и самосознание человека. Ибо, чем выше в сердце человека духовность, тем больше отступают прочь такие общественно опасные пороки, как невежественность, злодеяния, эгоизм и равнодушие, а на их месте в сознании молодежи установятся чувства патриотизма, созидательности. По этой причине в настоящее время особое внимание обращается дальнейшему усилению мер по воспитанию личности, обладающей независимым мышлением и высокими нравственными качествами. Данное исследование имеет значение для выполнения задач, поставленных в пункте 4,5. «Совершенствование государственной молодежной политики» «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени способствует выполнению задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-№451 “О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительских работ” от 25 августа 2006 года, “Плана мер по дальнейшему совершенствованию организации культурно-просветительских и пропагандистских работ” Кабинета Министров Республики Узбекистан № 07/02-08-1 2016 года, Закон “О Государственной молодежной политике” (2016), Постановление “О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на качественно новый уровень развития сферы” от 28 июля 2017 года, “Стратегии действий развития Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 годы”¹⁶ и в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике под названием “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического государства и правового общества, формирование инновационной экономики”.

¹⁶Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. – Ташкент.:Адолат, 2017.

